



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 29 сентябрь, № 189 (4852)

Сешанба

## ШИНАМ, КЎРКАМ ВА ОБОД

тураржойлар турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади

**Мамлакатимизда ҳар томонлама қулай ва шинам уй-жойларнинг бунёд этилиши қурилиш саноати жадал ривожланаётгани, соҳадаги ислохотлар ўз самарасини бераётганидан нишонандир. Бундай ўзгаришларни юртимизнинг барча ҳудудларида кузатиш мумкин.**

### Қарор ва ижро

Президентимизнинг "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори изчил амалга оширилиши, айтиш мумкинки, бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди.


Яқинда Тўрақўрғон туманининг Оқтош шаҳарчасида иш бошлаган "Зар" кўп тармоқли фирмасининг черепица ишлаб чиқариш корхонаси ҳам ҳудудда қурилиш бозорини замонавий том ёпиш ашёлари билан тўлдирдишга хизмат қилади. Бу ерда қум ва полимер хом ашёсидан фойдаланиб, юқори сифатли маҳсулот тайёрланмоқда. Қувонарлиси, маҳаллий ёшлардан олти нафари янги касбни қисқа фурсатда ўзлаштириб олди. Айни чоғда улар кучи билан кунига юз квадрат метрдан зиёд қурилишбоп ашё ишлаб чиқарилаётир. Корхона фаолият бошлагандан буён тайёрланган черепица миқдори беш минг квадрат метрдан ошди. Кичик жамоанинг буюртмалар портфолида ҳали шартномалар анчагина. Улар йил охиригача бу миқдорни саккиз минг квадрат метрга етказишга ҳаракат қилишапти.

Қураётган **НАЖМИДДИНОВ**, «Халқ сўзи» мухбири.

**СУРАТДА:** корхона ишчилари Шерзод Холдиров, Одижон Норматов ва Иқбол Уролов маҳсулот сифатини кўздан кечиришапти.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



## САЙЛОВ ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида семинар бўлиб ўтди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

Сайлов қончилиги ва сиёсий партиялар фаолиятига бағишланган ушбу тадбирда депутатлар, қатор давлат ташкилотлари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, аспирант ва тадқиқотчилари ҳамда сиёсий партиялар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таниқли ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимларнинг ушбу мавзуда маърузалари тингланди. Уларнинг сайлов ҳуқуқи бўйича умумийроқ этилган халқаро тамойил ва мажбуриятларнинг Ўзбекистон қонунчилигидаги амалий ифодаси ҳамда мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг янги шароитдаги фаолиятининг таҳлили семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётир. Демократик сайловларни ўтказиш эса, шубҳасиз, ушбу жараённинг асосий негизини ташкил этади. Шу боис мустакиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов

ҳуқуқининг умумий, тенг, эркин, тўғридан-тўғри, ёпик овоз беришдек халқаро тамойиллари тўлиқ рўйбга чиқарилди. Очқ ва адолатли сайловларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш билан боғлиқ Конституция ва қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий шароитлар ва самарали процессуал кафолатлар яратилди. Энг муҳими, сайловлар жараёнида инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилиниб, уларга рияоз этилиши таъминланмоқда.

Семинар иштирокчилари Ўзбекистондаги парламент сайловларининг тобора такомиллашиб бораётгани ва бу борада юртимизда бошқача-бошқача амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида қайд этдилар.

Тадбирда, шунингдек, сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини янада оширишга оид фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Зиёда АШУРОВА.

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**ПАРКЕНТ** туманида йилгига 40 млн. дона гишт ишлаб чиқариладиган Ўзбекистон — Туркия ва Буюк Британия ҳамкорлиги меваси — "Asia ceramic stroy" қўшма корхонаси ташкил этилди.

## Инвестиция самараси

Асосий маҳсулот экспорт учун мўлжалланаётган янги корхонада шу кунга қадар 3 млн. АҚШ долларлик инвестиция ўзлаштирилиб, у энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Ўзлаштирилган инвестициянинг асосий қисми хорижий ҳамкорлар ҳиссасига тўғри келди.

Айни пайтда корхонада 50 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан таъминланди.

Ю. ЕҒУБЕХОНОВ.

**ТОШКЕНТ.** Пойтахтимизда Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ўтказилган UZ миллий домендаги сайтларнинг Интернет-фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## Энг яхши веб-сайтлар аниқланди

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2002 йил 30 май кунги қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда ахборот-коммуникация тизимини замон талаблари асосида такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**МАРФИЛОН** шаҳридаги Бурҳониддин Марғиноний кўчасида 36 та оилага мўлжалланган тураржой биноси фойдаланишга топширилди.

## Ёш оилалар уйли бўлишди

Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида асосан бунёд этилган ушбу бино ёш оилаларга имтиёзли ипотека кредитлари асосида берилди.

Бинони таъмирлаш ишларини "Бунёдкор" хусусий қурилиш ташкилоти амалга оширди.

М. МАҲМУДОВ.

**КАШҚАДАРЁ.** Қарши шаҳрида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

## 305 кишига йўлланма

Шаҳар бандликка қўмақлаштиш маркази томонидан уюштирилган ушбу тадбирда 102 та корхона ва ташкилот 1450 та бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Меҳнат бозори якунида 305 кишига ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ҚИШЛОҚДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА ОИД КЎРГАЗМА ХОРИЖИЙ ДИПЛОМАТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида Тошкентда ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси ўз ниҳоясига етди.

Ихтисослаштирилган кўргазмада мутахассис ва экспертлар билан бирга Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуслари вакиллари ҳам иштирок этишди ва мазкур тадбир ҳақида бир неча дипломатлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришди:

**Хитой Халқ Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси маслаҳатчиси Чжан Вэй** ихтисослаштирилган кўргазма ўзидан Ўзбекистон қишлоқларида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида эришилган салмоқли муваффақиятларни акс эттираётганига эътибор қаратди.

Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ ҳўжалигига йўналтирилган сармояларини кенгайтириш, янги аграр технологияларни татбиқ этиш ва замонавий қурилиш материалларидан фойдаланиш каби ташаббусларни қўллаб-қувватлаш натижасида мамлакатда турмуш фаровонлигининг сезиларли даражада ошиши ва қишлоқ аҳолисининг ишлаш шароитлари яхшиланиши кузатишмоқда. Буларнинг барчаси айнан жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида бўлиб ўтди. Бу эса мамлакат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг тўғрилигидан далолат беради.

"Биз мамлакатнинг эришган ютуқлардан жуда хурсандмиз. Бой ва замонавий қишлоқлар мамлакат рағнақи ҳамда узоқ давом этадиган барқарорликнинг муҳим асослари ҳисобланади. Ҳар иккала давлат халқларининг турмуш даражасини янада яхшилаш учун Хитой ва Ўзбекистон ўртасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида тажриба алмашиш ва ҳамкорлик қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз".

**Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Савдо ваколатхонаси кўргазмалар бўйича эксперти А. Подвязников ва хоним:** "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан эълон қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган мазкур тадбир менда жуда яхши таассурот қолдирди.

Унда намойиш этилган қишлоқ тураржой пунктлари замонавий меъморий режаларининг дизайнлик лойиҳалари кўзи қувонтиради. Шунингдек, мазкур кўргазмада Ўзбекистон компанияларининг қурилиш ва пардозлаш материаллари, қури-

лиш асбоб-ускуналари, йўл ва қурилиш техникалари, иситиш тизимлари, томни ёпишда ишлатиладиган материаллар ҳамда бошқа кўплаб маҳсулот ва хизматлари эътиборга моликдир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, кўргазмада қишлоқлар фаровонлиги даражасини кўтариш борасида кредитлар ажратиш, молиялаштириш ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан энг қулай механизм жорий қилиш билан шуғулланаётган "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки томонидан намойиш этилган хусусий уй-жой қуриш учун маблағ ажратилиш қондалари билан таъминлаш имконияти яратилди.

Мазкур сазй-ҳаракатлар ижобий ва умид қиламизки, худди шунга ўхшаш ташаббуслар қишлоқ ҳўжалиги меҳнат-қашларига ўз қўндалик меҳнат-фаолиятларини ташкил этишда ёрдам беради. Бугунги кунда шинам алоҳида тураржой ва барча шароитлар мўхайё бўлган турмуш меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

«Жаҳон» АА.

### Биз ва жаҳон

Бундан ташқари, ҳар бир давлатнинг барқарор иқтисодий ўсиши, хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги изчил ривожланишининг кафолати бўлган ёш оилалар ва бошловчи фермерлар учун имтиёзли кредитлар олиш имконияти яратилганини алоҳида эътироф этиш жоиз".

**Қозғоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили В. Турехонов:** "Мен Қозғоғистон ишбилармон доираларида катта қизиқиш уйғотган кўргазмага мамнуният билан келдим. Қозғоғистонликлар орасида Ўзбекистоннинг иморат қурувчилари, материал ва асбоб-ускуна ишлаб чиқарувчилари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилиши ёрдам кўрсатиш бўйича мурожаат қилувчилар сони кўпайди.

Ўйлайманки, мазкур тадбирнинг ўтказилиши мамлакат раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг, шунингдек, қишлоқ қурилиш саноатига кўрсатилаётган тегишли ёрдамнинг амалий қўрилиши ҳисобланади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан қабул қилинган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида мана шундай кўргазманинг ўтказилиши долзарб аҳамият касб этади".

## ҲУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Пойтахтимизда "Давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий ҳамкорлиги Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг шарт-шароити сифатида" мавзуда икки кунлик халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутatlари ва Сенати аъзолари, Омбудсман, вазилик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув ва таълим муассасалари вакиллари иштирок этишди.

Халқаро анжуманда давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигининг самарали механизмларини аниқлаш, бу борада халқаро тажрибанинг энг долзарб ва муҳим йўналишларини танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинди. Айни пайтда Ўзбекистонда давлат ташкилотлари, ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик-

ни ривожлантиришнинг ташкилий ва молиявий асосларини шакллантиришга қўмақлашадиган "Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида"ги ва "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, соҳанинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ҳақида атрафлича сўз юритилди.

Шунингдек, конференцияда етакчи олимлар ва халқаро экспертларнинг мавзу билан боғлиқ маърузалари тингланди. Хусусан, "ННТлар ва давлат ташкилотларининг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришда ижтимоий ҳамкорликнинг роли ва аҳамияти", "ННТлар ва давлат органлари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик (Европа тажрибаси)" ва "ННТларнинг давлат органлари билан ҳамкорлиги масалалари" каби мавзулардаги чиқишлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасида тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУҚРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ТЕХНИК ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ЖАЛБ ЭТИЛМОҚДА

Ана шу шартномалар ушбу зонада ишлаб чиқариш участкаларини қуриш учун техник ва меҳнат ресурсларини жалб этишни бошлашга асос бўлди.

2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий капитал иштирокчида янги замонавий корхоналарни ташкил этиш тўғрисида

34 та шартнома имзоланди.

Бир рақам шарҳи



**Жамият тараққиёти иқтисодий ютуқлар билан бирга маданий-маърифий ислохотларнинг изчиллиги ва самараси билан бевосита боғлиқ. Zero, инсоннинг онги, тафаккури ва турмуш тарзини ўзгартирмай туриб, жамиятни янгилаб ҳам, ривожлантириб ҳам бўлмайди. Шу боис муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятни, унинг бошқарув тизимини, ижтимоий-сиёсий тамойилларини янгилаш, иқтисодий ётадан ташкил этишда маънавий тарбия муҳим аҳамият касб этишини алоҳида уқтириб келадилар.**

## МАЪНАВИЯТНИНГ ҚУДРАТЛИ КУЧИ

Чунонки, "Миллатнинг, халқнинг маънавий камолоти, маърифатига умумдавлат сибасати даражасида қараш лозим, — деб таъкидлайди Юртбошимиз. — Одамлар онгида миллий ифтихор туйғуси билан бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти ва қадриятларини ҳурмат қилишнинг диалектик уйғунлигини таъминлаш зарур".

Бундан англашладика, маънавий инсонни руҳан поклаганига, қалбдан улғайтишга, камолга етишга ўндовчи, инсон ички дунёсини гўзал, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган куч, тарбия воситасидир. Бошқача айтилганда, маънавий одамларнинг қалбига бевосита ва самарали таъсир кўрсатади, уларни эзгу ишларга, яратувчанликка қорлайди. Zero, маънавият юксак одамнинг бағри кенг бўлади, бундай кишилар шахсий манфаатларини ҳеч қачон бошқаларнинг, ҳусусан, жамият манфаатидан устун қўймайдилар. Ўзи билан бир қўллади, бир қилшоқда, бир жамиятда яшаётган, меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари, турлича эътиқод эгаларига нисбатан яхши муносабатда бўлади, ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Бун-

дай тотувлик, аҳил-иноқлик эса юрт тараққиёти ва келажагининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз олдимизга собиқ тузумнинг сохта мафкура-си яққоқимлигидан, сохта тамойилларидан теъроқ кутулиш, халқимизни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўзига, келажагига бўлган ишончини мустаҳкамлаш вази-фасини кўйди. Юртбошимизнинг фикрича, тафаккур овоз бўл-мас, онг ва шуур ҳар қандай ташқи таъйиқлардан батамом қутулмас, инсон тўла овоз бўла олмайди. Энг муҳими, мамлакатимизнинг давлатимиз раҳбари бошчилиги-да ишлаб чиқилган Конституция-сида, қабул қилинган кўп-ла қонунларда Ўзбекистонда яшаб истиқомат қилаётган барча мил-лат ва элат вакиллари билан тенг ҳуқуқлилиги, ҳеч қандай алоҳи-да имтиёзга эга эмаслиги, қонун олдида барча баробар эканлиги очик-равшан ўз ифодасини то-пти. "Шу азиз Ватан — барчамиз-ники!" деган улғур широр ўртага ташланди. Айни чоғда ҳар бири-миз учун азиз ва муқаддас бўлган диёримизнинг янада гуллаб-яш-наши йўлида меҳнат қилиш, бой-ликларига бойлик қўшиш, бори-

ни асраб-авайлаш, йўғини яра-тиш, келажак авлодларга овоз ва обод Ватан қолдириш фўқаролик бурчимиз эканлиги, бу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилиш лозимлиги ҳам эътироф этилди.

### Мушоҳада

Ҳар бир миллат вакилларига ўз маданиятларини, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш имко-нияти яратилди.

Ушбу мулоҳазалар кўнгилмиз-дан ўтар экан, ҳаёлимизда "Бугун вояга етаётган ёшларимиз мус-тақиллик улғур нўмат эканлиги-ни, у қандай қўлга киритилганини тўла англаб етатиладими?" деган ҳақли савол пайдо бўлади. Ана шу саволларга ўрин қолдирил-лик учун Истиқлол тенгдошлари, уларнинг ортидан келаётган на-вқирон авлод вакиллари билан бу тўғрида доимий равишда суҳбат-чилик туришимиз, тарғибот-таш-виқот ишларида ёшлар тарбияси-га алоҳида эътибор беришимиз зарур.

Гап шундаки, собиқ тузим да-врида улғур боёбоқларимиз, дунё тамаддунига муносиб ҳисса кўшган буюқ алломаларнинг но-

онгу шууримизда миллий ифти-хор туйғулари мавж урди. Давла-тимиз раҳбарининг бевосита та-шаббуси билан ташкил этилган "Умид ниҳоллари", "Баркамол ав-лод", "Универсиада" спорт мусо-бақалари, "Фарзандларимиз биз-дан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", деган эзгу мақсад йиғит-қизлари-мизнинг орзу-умидларига қанот бағишлади.

Эндиликда улар барча соҳалар-да ўз салоҳиятларини тўла намо-ён этиб, давлатимиз раҳбарининг ишонч ва эътиборидан, мамла-катимизда яратилган, яратилаётган чексиз имкониятлардан илҳомла-ниб, янги-янги зафар марраларини эгалламоқдалар. Деярли ҳар қили дунёнинг турли бурчаклари-

дан Ўзбекистонлик йиғит-қизлар спорт, мусиқа, тасвирий ва амал-лий санъат соҳасида эришаётган юксак натижалар тўғрисида ҳуш-қонгли қўлиб турибди. Ёшлар-имизнинг дунёдаги энг нуфузли олий ўқув юртиларда таълим оли-ши, хорижлик тенгдошлари ора-сида илмга қанқоқлиги, тириш-қоқлиги билан ажралиб туриши оддий бир ҳолга айланди.

Ёшлар эришаётган ютуқ ва му-вафқиятлардан ҳар қанча фўқр-лансақ арзийди. Аммо хотиржам-ликка берилиб бўлмайди. Бугун-ги глобаллашув шароитида, дунё тез ўзгараётган, турли давлатлар-нинг турлича манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган, винобарин, ах-боротлар ҳуружи авж олиб, ёшлар онги ва қалби учун кураш мисл-сиз даражага етган бир шароит-да маънавий тарбия билан дои-мий равишда шуғуланишимиз, бу борада бўлиш пайдо бўли-шига асло йўл қўймаслигимиз ло-зим. "Барчамизга аёнки, — деб таъкидлайди Президентимиз — "Юксак маънавият — энгилмас қўч" китобида, — қаердаки бепар-воллик ва лоқайдлик ҳўкм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўлар-чиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуктага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳўкмрон бўлса, ўша ерда маъна-вият қудратли кучга айланади".

**Юртбошимизнинг мана шу кўрсатмалари асосида ёшлар ўртасида маънавий тарбияни янада мустаҳкамлашимиз, тарғибот-ташвиқот ишларида йиғит-қизларимиз бугунги дунё-қароши, билими, ҳабардорлиги даражаси ва албатта, қизи-қишлари, талаб-эҳтиёлларини тўла ҳисобга олишимиз зар-ур бўлади.** Чунки улар — миллатнинг келажиги, бугунги бунёдқорлик ишларимизни эртага ишонч ва эътиқод билан давом эттириладиган, янги юксак марраларни эгалла-йиладиган ворисларимиздир.

Худобер МАМАТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

### 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кун

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Богида 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кун муноса-бати билан "Маърифат жонқуярлигига таъзим" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

## МАЪРИФАТ ЖОНҚУЯРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томо-нидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда мактабдан ташқари таълим маскан-ларининг педагоглари, ўқув тўғаракларининг раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида юртимиз-да навқирон авлодни ҳеч қандай кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, жамиятимизнинг том маънавога таянчи ва суянчига айланатириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар қўлима тобора кенгаймоқда. Бу жиҳатлар таълим-тар-бия, маънавият ва маърифат, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя каби соҳаларда тобора аққорлоқ намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга кенг татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вази-фалар ижросини таъминлаш жараёнида ёшларга пухта билим ва тарбия бериш билан бирга, уларнинг истеъдоди, интел-лектуал салоҳиятини кашф этиш, ўз қизиқиш ва қобилияти, орзу-интилиши бўйича касб-ҳўнар эгаллашига алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Айни пайтда ёшларда эзгу фаилатларни шакллантириш, улардаги истеъдод қирраларини рўёбга чи-қариш, касба йўналишида ўқувчилар иходиёти марказла-рининг ўрни ва аҳамияти катта. Марказларда фаолият кўр-са-таётган тўғаракларнинг ишани янада самарали ва сифатли ташкил этиш эса педагог ҳодимларнинг касб малакаси ва маҳоратига бевосита боғлиқдир.

Тадбирда мактабдан ташқари таълим масканларида кўп йиллардан бўён меҳнат қилаётган фидойи ўқитувчиларга ас-даллик соғвалар топиришди. Болалар бадийи жамоалари-нинг концерти намоён иштилди.

Н. УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири.

### Соғлом она — соғлом бола

## РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, генитал эндомет-риоз ҳасталиги замонавий гинекологиянинг долзарб муаммоларидан бирига айланб бормоқда. Бу ҳасталик ўз вақтида аниқланиб, самарали даволанмаса, бемор вужудида оғир асоратлар қолдириши ва репродуктив саломатликка жиддий таҳдид туғдириши мумкин.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган репродуктив саломат-ликнинг долзарб муаммола-рига бағишланган илмий-амалий семинарда ана шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослашти-рилган акушерлик ва гинеко-логия илмий-амалий тибби-ёт маркази, Тошкент врачлар малакасини ошириш инсти-туту, Германиянинг «Байер шеринг фарма» фармацевти-ка компаниясининг мамла-катимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимиз олимлари ва шифоқорлари ҳамда Миср ва Россиядан келган мутахас-сислар иштирок этди.

Республика ихтисослашти-рилган акушерлик ва гине-кология илмий-амалий тиб-биёт маркази ваколатхонаси директори С. Султонов аҳолига кўр-са-тилаётган турли тиббий хизмат қўлима инада кенгайтириш, оналар ва болалар саломат-лигини мустаҳкамлаш Прези-дентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида соғлиқни са-қлаш тизимида олиб борила-ётган ислохотлар жара-ёнида устувор ўрин тути-шини алоҳида таъкидлади.

Маъзур йўналишда белги-ланган вазибаларни амалга

ошириш юзасидан юртимиз-даги барча тиббиёт муассас-салари томонидан исчил иш-лар олиб бориладиган. Олим-ларимиз репродуктив сало-матлиқни мустаҳкамлашнинг илмий асосларини такомил-лаштириш, аёлларга кўр-са-тилаётган тиббий хизмат сифа-тини янада ошириш, гинеко-логик ҳасталиқларни ўз вақ-тида аниқлаш ва даволаш-нинг илғор услубларини иш-лаб чиқиш бўйича кенг қўлима илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Бу борада жаҳон тиббиёт-нинг замонавий усул ва во-ситаларидан самарали фой-даланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу йўна-лишда жаҳондаги етакчи илм-фан марказлари билан йўлга қўйилган алоқалар ўз сама-раларини бераётди.

Семинарда генитал эндо-метриоз патогенезининг ол-дини олиш, ташхис қўйиш ва даволанишнинг янги усуллари ва воситаларини қўлаш амаллари-га оид маърузалар тинглан-ди ва муҳокама қилинди.

Б. ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири.

### (Давоми. Боши 1-бетда).

Ушбу ҳўжжатга мўвобик, 2002-2010 йилларда компь-ютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технология-ларини ривожлантириш дастури асосида амалга оширилган исчил ислохот-лар самарасида мамла-катимизда тезкор ахборот ал-масишнинг таъминлаш, ахборот етказиш жадал ривожланмоқда. Мамлаката-миздаги барча вазирилик, идора ва ташкилотларда

## ЭНГ ЯХШИ ВЕБ-САЙТЛАР АНИҚЛАНДИ

замонавий коммуникация технологияларидан фойда-ланиш, жамоатчилик тез-кор ахборот етказиш исчил йўлга қўйилиб, интернет тармоғида уларнинг дои-мий ишлайдиган веб-сайт-лари очилган. Айни пайтда ЎЗ миллий доменидаги веб-сайтлар сони 9000 дан ошгани ҳам бу борадаги ишлар самарасидир.

29 апрелдан 25 сентябрь-гача ўтказилган Интернет-фестивалидан кўзланган мақсад интернет тармоғи-да миллий ресурслар ва хизматлар бозорини жадал ривожлантириш, соҳаларда замонавий технологиялар-ни кенг татбиқ этиш ҳамда бу борадаги ютуқларни оммалаштиришдан иборат. Фестивалнинг танлов да-стурида 750 дан ортиқ сайт иштирок этди. Ҳақамалар ҳайъати ва жамоатчилик берган овозлар асосида 13 мавзу ҳамда 3 номинатсия бўйича гоилиб ва соврин-дорлар аниқланди.

"Энг яхши ОАВ сайти" номинатсияси бўйича Ўзбе-кистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА сайти (www.uz.uz) унинг ўрни-ни қўлга киритди. Биринчи ўрин "Газета.uz" (www.gazeta.uz) сайтига берилган бўлса, иккинчи ўрини ре-клама ҳақидаги PR.uz (www.pr.uz) сайти эгаллади.

Ўзбекистон алоқа ва ах-боротлаштириш агентлиги "Энг яхши давлат бошқа-руви органи сайти" йўна-лишида гоилибликни қўлга киритган бўлса, "Билайн" (www.beeline.uz) "Энг яхши корпоратив сайт" деб то-пилди. Шунингдек, танлов давомида фан ва таълим, маданият ва санъат, спорт, медицина ва соғлиқни сақ-лаш, туризм ва сайёҳлик, электрон савдо, хизматлар тармоғи, давлат тили ва бошқа йўналишдаги энг яхши сайтлар аниқланди.

Фестиваль гоилибларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Орипов сўзга чиқди.

### Кўшма корхона:

## ИЗЛАНИШ, ИМКОНИЯТ, МУВАФФАҚИЯТ



Қашқадарё вилоятидаги "Яккабоғ текс" Ўзбекистон — Германия кўшма корхонасида йилга 2500 тонна қалава ип тайёрланиб, унинг асосий қисми экспорт қилинмоқда.

### Жараён

Жамоа эришилган натижалар билангина қифояланиб қолаёт-гани йўқ. Яқинда бу ерда Гер-манияда ишлаб чиқарилган за-монавий "ТС-03" русумли та-роқлаш ва пилталаш ускуна-лари, ип йиғирув машиналари ўрнатилган, махсулот ишлаб чи-қариш ҳажми 15 фойза ошди.

Шу кўнларда эса корхонада янги тўқимачилик цехини ишга тушириш бўйича ҳаракатлар олиб бориладиган. Ушбу цех иш бошлаб, 100 та янги иш ўрни яратилиб, қўшимча равишда бир неча турдаги экспортбоп матолар ишлаб чиқариш ўзлаш-тирилади.

СУРАТДА: смена бошлиғи Набижон Исломов, оператор Барно Алиева ва лаборант Маъмура Эшбўтаева қизгин маслаҳатда.

Шумурод ШАРОПОВ  
(ЎЗА) олган сурат.

Деҳлида инглиз тилида нашр этиладиган оммавий «Дипломатист» журналида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган мақолалар эълон қилинди.

"Дипломатист" Ҳиндистонда халқаро ҳаётни ёритувчи нуфузли журналлардан бири саналади. Нашр дипломатик корпуслар, ижтимоий-сиёсий, тадқиқот ва тахлилий доиралар вакиллари, иқтисодчилар, мамлакатнинг етакчи фирма ва компанияларига тарқатилади.

Журналнинг бош мақоласи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакат мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантаналарига бағишланган табриқ нутқлари билан бошланади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларга бағишланган "Ўзбекистон — Ҳиндистон" мақоласида ҳар иккала мам-лакат ҳам дунёвий турмуш тарзи-нинг, бағрикенглик ва халқаро тер-роризм гоиларига қарши тури-шин тарафдорлари экани таъкид-ланади. Икки мамлакат ҳамкорли-ги сиёсий, савдо-иқтисодий, ма-даний-маърифий соҳаларнинг тур-ли йўналишларини қамраб олган.

Ўтган йиллар давомида Ўзбе-кистон билан Ҳиндистон ўртаси-да ўзаро ҳамкорликни ривожлан-тиришга мўлжалланган қатор ҳўж-жатлар имзоланди. Ўзбекистондан Ҳиндистонга экспорт қилинадиган товарлар, асосан, рангли металл, автомобиль, қумуш, пахта хом ашёси, ипак ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳисобланади. Ҳиндистон эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга фармацевтика махсулотлари,

тайёр кийимлар, чой, пластмасса буюмлари, қимёвий махсулотлар ва эҳтиёж молларини экспорт қилади.

"Шарқнинг қадимий ва замо-

ва гўзал замонавийлиқни ўзаро омикта этгани билан аққол ажра-либ туради. Бу ерда ўтмишдаги мохир мейморлар томонидан бунёд этилган қадимий маҳобатли ёд-гор-ликлар замонавий ишоотлар бил-лан табиий ҳолатда уйғунашган. Бинолар, кўчалар ва хиёбонларга хос бўлган миллий уйғунлик эса жа-ҳон мейморчилиги гоиси элемент-лари билан ниҳоятда мос тарзда

нинг вакиллик органлари сайлов-ларига тайёрғарлик қўриш ва уни ўтказишни таъминлайдиган мус-тақил фаолият юритувчи орган — Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги яхлит тизими ву-жудга келди.

Шунингдек, сайлов жараёни-ларида фуқароларнинг, сиёсий парти-яларнинг эркин, фаол иштирокини, уларнинг сайлов ҳуқуқларини тўла-

ва қўшимчалар асосида бўлиб ўтади", дея қайд этилади нашрда.

Мақолада алоҳида таъкидлана-дики, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органлари сайловларига таёргар-лик қўриш ва уни ўтказиш иш-ларининг сайлов қонунчилиги қо-нда-ларига ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлан-ган Концепцияга қатий асослан-ган ҳолда амалга оширилиши бўла-жақ сайловларни юксак де-мократик савияда ўтказиш имко-

қонли намоён этишнинг ишончли кафолатини таъминлашнинг таш-килий-ҳуқуқий, моддий-техник ша-роитлари яратилди.

"Олдинда турган сайловлар бу йўналишдаги қонунчиликка сайлов тизимини янада ли-бераллаштириш ва демократлашти-ришни таъминлаш мақсадида киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида бўлиб ўтади", дея қайд этилади нашрда.

Дунё нигоҳи

нинг юбилейига бағишлаб чоп этил-ган рангли фотоальбом ҳақидаги ма-қола "Тошкент — 2200" альбому нашр этилди" деб номланади. Унда замонавий дизайн ва полиграфия соҳасида эришилган ютуқлар асо-сида тайёрлаб ноёб сурат ва маълумот-лар, чуқур илмий тадқиқотлар эълон қилинган айтилади.

"Янги альбом пойтахтнинг 2200 йиллик тарихига, унинг бугунги ва эртанги кўнига, асрлар мобайни-да шаҳар шўҳратини муносиб тарзда юксалтириб, унинг тари-ҳида янги саҳифаларни очиб ке-лаётган меҳнатсевар ва фидокор

"Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали қисқа вақт ичи-да дунёнинг нуфузли мусиқа анжуманлари орасида ўзининг муно-сиб ўрнини эгаллади. Қўпгина давлатлар, халқаро маданий таш-килотлар ва махшур санъат арбобларининг маъзур фестивалга қизиқиши ва иштироки давлатларнинг қўлима ишбу фикри-мизга далил бўла олади", деб ёзади Ҳиндистон наشري.

«Жаҳон» АА.

**ЖАҲОН**

24 соат  
ичида

**Фавқулдда қўндирилди**

Франция пойтахти Париждан ҳавога кўтарилган Сингапурнинг "Singapore Airlines" авиакомпаниясига тегишли "Airbus A380" самолёти орадан қарийб уч соат ўтгач, яна аэропортга қайтиб келган.



"Reuters" ахборот агентлигининг маълум қилишича, лайнер парвозни амалга ошираётган вақтда унинг двигателларидан бирида носозлик юзага келган. Шу туфайли самолёт фавқулдда қўнишга мажбур бўлган. Унинг бортидаги 444 йўловчи ва экипаж аъзоларидан ҳеч ким жабрланмаган.

Таъкидлаш керакки, "Airbus A380" самолёти дунёдаги энг катта ҳаво лайнери ҳисобланади. У бир вақтнинг ўзига 853 нафар йўловчини ташиш имкониятига эга.

**Синов ўтказилди**

Эрон яқинбадан душанбага ўтар кечаси баллистик ракетага синовдан ўтказди, дея хабар берди "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги.

"Шаҳоб-1" ва "Шаҳоб-2" деб номланган ракетадан бир нечтаси бир вақтнинг ўзига ҳавога учирилган. Бу ўтган ҳафта мобайнида Эронда ташкил этилган дастлабки ҳарбий амалиёт эмас. Яъни, 26 сентябрь куни "Фотих" ва "Тондар" номи ракетага ҳам синов кўрилган.

**Тошқин келтирган талафот**

Филиппин аҳолиси тинимсиз ёнғинлардан азият чекмоқда.

Бу ҳафта "AFP" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Шанба куни Манила шаҳрида тўққиз соат давомида ёққан ёмғир туфайли юзага келган тошқин оқибатида шаҳарнинг 80 фоиз ҳудуди сув остида қолган. Тошқин 106 кишини ҳаётдан олиб кетган. Айтиш мумкин, табиий офат содир бўлган минтақаларда электр таъминоти ва телефон алоқаси узилиб қолган. 337 минг киши доимий яшаш жойини тарк этишга мажбур бўлган.

Маълумотларга қараганда, мамлакат тарихида бундай талафотларни келтириб чиқарган ёнғинларчилик сўнгги қирк йилда кузатилмаган экан. Қўдирув-қўтқарув ишларига ҳарбийлар, полиция ва кўнгилчилар жалб этилган.

**Ҳайвонот боғидаги кўнгилсизлик**

Руминиянинг жануби-шарқда жойлашган Хунедора шаҳридаги ҳайвонот боғида қочиб кетган иккита йўлбарс яна ўз жойига қайтарилди, дейилади "Sky News" хабарига.

Жониворлар ақин орадаги истироҳат боғи ҳудуди яширинган экан. Бу ерга ташриф буюрганларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида улар худуд билан бошқа жойга кўчирилган. Мутахассислар бир неча соатлик уринишдан сўнг "қочқ"ларни тутишга муваффақ бўлишди. Йўлбарсларнинг чиқиб кетишига бир ўсим сабабчи бўлган. Маълум қилинган. Аниқлаштириш, у хизматчилар хонасига кириб, йўлбарслар сақланган кафас эшигини очиб юборган экан.

**Балиқчилар кемаси қўлга тушди**

Буюк Британия ҳарбий денгиз кучлари гвехванд моддалар олиб кетилаётган балиқчилар кемасини қўлга тушди.



"BBC News" телеканали хабарига айтилишича, Кариб денгизининг Жанубий Америка қирғоқларида навбатчилик қилаётган вертолёт шубҳали кемани қўрғач, дарҳол ҳарбий денгиз кучларига хабар қилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноий гуруҳ қўлга олиниб, улардан далилий ашё сифатида беш ярим тонна гвехванд моддаси олиб қўйилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Маълумки, қайси давлатда тадбиркорлар ва мулкдорлар синфи тез ривожланса, ўша давлатнинг иқтисодий шунчалик жадал мустақамланиб, жамият тараққий этиб бораверади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислохотлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Натижада улар ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

**«ИПОТЕКАБАНК» – ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ**

Айтиш жоизки, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда, жумладан, "Ипотекабанк" акциядорлик тижорат банкининг муносиб ҳиссаси бор. Бугунги кунда бу банкнинг 37 та филиали ва 131 та мини банки орқали 50,0 мингдан ортиқ субъектларга хизматлар кўрсатиб келинаётгани бунинг тасдиғидир. Бошқача айтганда, 2009 йилнинг 8 ойи давомида барча ресурс манбалари ҳисобидан жами 350,3 млрд. сўм кредит ажратилган бўлиб, ушбу маблағларнинг 93,0 млрд. сўми 2729 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектини кредитлашга йўналтирилди. Пировадда кичик бизнес субъектларида шу йилнинг ўзига 4271 та янги иш ўрни яратилди.

Кредитларнинг асосий қисми саннат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги сервис хизматлари кўрсатиш сингаги иқтисодий тизимнинг устувор тармоқларига берилган диққатга сазовордир. Аниқроғи, 18,6 млрд. сўм саннатга, 15,9 млрд. сўм қишлоқ хўжалигига, 36,9 млрд. сўм гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга оширди. Муҳими, 24 нафар хотин-қиз ишга жалб этилди. Тадбиркор М. Горишкова эса банкнинг молиявий ма-

тимизнинг беқиёс қўмаги туфайли тадбиркор аёллар фаолияти ҳам қўллаб-қувватланиб, уларга молиявий қўмак бериш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилапти. Мазкур ҳужжат ижроси бўйича "Ипотекабанк" АТБ томонидан бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг 8 ойи давомида мамлакатимизда фаолият кўрсатган 829 та тадбиркор аёлга жами 11,7 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, 705 та янги иш ўрни яратилди.

Масалан, банкнинг Бухоро вилояти филиали томонидан «Шаҳоб-Шаҳром» хусусий корхонасига ажратилган кредитдан унинг раҳбари М. Тешаева унумли фойдаланиб, гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга оширди. Муҳими, 24 нафар хотин-қиз ишга жалб этилди. Тадбиркор М. Горишкова эса банкнинг молиявий ма-

дади билан «Segama mebel» масъулияти чекланган жамиятида мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг учун замонавий ускуна сотиб олиб, қўшимча 25 та янги иш ўрни яратилди.

**Молия муассасаларида**

Шунингдек, мазкур даврда 1715 та ёш оилага 24,9 млрд. сўмдан зиёд кредитлар, жумладан, 806 та ёш оилага 21,6 млрд. сўм миқдорда узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Бунинг натижасида энди мустақил ҳаётга қадам ташлаган ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган талаблари қондириш билан бир қаторда, тадбиркорлик билан шуғулланишга иштиёқи борларга ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

Ил бошидан буюн 120 та ёш оилага тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун жами 1,3 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилгани бунинг яққол далилидир. Андижонлик Мансур Номанжонов — банкнинг имтиёзли кредитидан оқилона фойдаланиб, Хулоса қилиб айтганда, "Ипотекабанк" акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар иқтисодий тизимнинг устувор тармоқларининг жадал ривожланишига, пировадда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Ўзиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижроси бўйича ҳам изчил ишлар олиб боришмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг 1 сентябргача 18,2 млрд. сўм миқдорда кредитлар ишлаб чиқариш корхоналарини технологик ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, зарур ош ашё ва материаллар сотиб олиш ва янги корхоналар ташкил этишга ажратилди.

Шу билан бирга, 21,7 млрд. сўм миқдорда кредит ва лизинг маблағлари ажратилдики, бу ишлаб чиқаришга хорижий замонавий линияларини жалб этиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда қўл келди.

Bank matbuot xizmati.

**«РОУТАХТ АУКСИОН»**  
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ  
2009 йил 17 сентябрдан бошланган, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 7-уйда жойлашган «8-сонли автосаройи» ОАЖ тасарруфидаги 5 та «Мерседес-Бенц О 405» русумли куйидаги автобусларнинг ҳар пайшанба куни аукцион савдолари ўтказилишини маълум қилади:

- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 026 бўлган, «Мерседес-Бенц О 405» русумли автобус, бошланғич баҳоси — 36 000 000 сўм, зақалат миқдори — 7 200 000 сўм;
- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 885 бўлган, «Мерседес-Бенц О 405» русумли автобус, бошланғич баҳоси — 36 000 000 сўм, зақалат миқдори — 7 200 000 сўм;
- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 884 бўлган, «Мерседес-Бенц О 405» русумли автобус, бошланғич баҳоси — 37 000 000 сўм, зақалат миқдори — 7 400 000 сўм;
- 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 027 бўлган, «Мерседес-Бенц О 405» русумли автобус, бошланғич баҳоси — 34 500 000 сўм, зақалат миқдори — 6 900 000 сўм;
- 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AV 930 бўлган, «Мерседес-Бенц О 405» русумли автобус, бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм, зақалат миқдори — 7 000 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш учун юқорида кўрсатилган миқдордаги зақалат пули «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУКнинг АТБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, СТИР: 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига ўрнатилган тартибда туланади.

Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтаилади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, шартнома тузилгунча қадар туланган зақалат миқдори, сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Қўшимча маълумотларни савдолар ўтказиладиган куйидаги манзилдан олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй. Телефон: 233-23-49. Тел./факс: 233-23-40. Электрон почта: PA\_DUK@mail.ru

**ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР**  
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ  
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»  
РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%.

**а также:**  
**КАФЕЛЬ**  
(облицовочный и напольный)  
**САНТЕХНИКА**  
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)  
ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ  
Тел.: 333-71-55, 402-69-89, факс 267-35-73.  
Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка № 127. zakamsk-group@mail.ru

**Тиббиёт**  
Пойтахтимизда урология соҳасининг долзарб масалаларига бағишланган урологлар маҳорат мактаби машғуллари бўлиб ўтди.  
**УРОЛОГЛАР МАҲОРАТ МАКТАБИ**

**ПП «CHIRCHIQ SHANXAY PLAST»**  
ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ  
ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм  
ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.  
ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.  
Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.  
Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхонтоҳур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАСЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00. моб. (+998 93) 547-45-75, (+998 90) 995-19-99. e-mail: sedou2006@yandex.ru

Унда мамлакатимиздаги тиббий илмий марказлар олимлари, вилоят шифоналарининг етакчи шифокорлари билан бир қаторда Германия, Италия, Швейцариядан келган соҳа мутахассислари ҳам иштирок этишди. Анжуманда Президентимиз И. Каримов раҳнамлигида мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳоли саломатлигини мустақамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, олимларимиз томонидан ҳақон тиббиётининг илгор ютуқларини ўзлаштириш, соҳада ечимини қўтабган масалаларини ижобий ҳал этиш борасида кенг қўламли илмий-амалий ишлар олиб борилаётгани, бунда дунёдаги етакчи тиббий-илмий марказлар, жумладан, Европа урологлар ассоциацияси билан ҳамкорлик алоқалари ўз самарасини бераётганлиги эътироф этилди.

Урологлар маҳорат мактаби машғулотларида урологик аъзоларда хавфли ўсмадор келиб чиқшининг олдини олиш ва даволашнинг замонавий усулларига бағишланган маърузалар тингланди ва муҳокама қилинди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Урологлар жамияти, Республика иқтисослаштирилган урологлар маркази, шунингдек, Европа урологлар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

**ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲУКУМАТИ УЧУН «HYUNDAI» ЮК МАШИНАЛАРИ ТАЪМИНОТЧИСИ**

**Жанубий Кореянинг «Road International Co. Ltd» компанияси куйидаги қурилиш техникалари ва транспорт воситаларини таклиф қилади:**

- «HYUNDAI» компаниясида ишлаб чиқарилган
  - экскаваторлар (ғилдиракли ва ўрмаловчи)
  - самосваллар ва юк машиналари — 2,2-27,9 тонна
  - автобуслар — 15-50 ўринли
  - ёқилғи ташувчи, трейлер ва бетон миксерлар
- ҲАМДА
  - тош майдалаш ва кум ишлаб чиқариш заводи — 50-600 тонна/соат
  - асфальт тайёрлаш заводи — 30-240 тонна/соат
  - бетон тайёрлаш заводи — 120-360 м³/соат муқим ва кўчма шаклларда
  - рух, алюминий ва бўёқ қопламали совуқ ёйилган пўлат ўрамлар

ВАОЛАТХОНА МАНЗИЛИ:  
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 14, Germilea биноси. Мўлжал — Тошкент фармацевтика институти.

Тел./факс: + (998 71) 140-10-91, 140-10-92.  
E-mail: rico2008@mail.ru  
Web-site: www.rico21.com

**«Полидеф» — деҳқон мададкори**  
ЎзФА Полимер кимёси ва физикаси институти олимлари полимер шаклидаги «Полидеф» дефолиантини ишлаб чиқариш технологиясини яратдилар.  
Мазкур дефолиант теримдан олдин гўза барглари тушириш ва қўсақларнинг очилишини тезлатиш учун қўлланилади. Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, бир гектар майдонга 6-9 литр миқдордаги дефолиант сарфланади. Янги дефолиант олиш технологияси четдан келтирилмаган магний хлоратли дефолиантнинг сарфлаши меъёрини сезиларли даражада камайтиради. «Полидеф» ҳам арзон, ҳам қулай, энг асосийси, юқори натижалидир.  
**Ихтиро**  
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

**Завод ТТЕМЗ** ишлаб чиқаради ва реализует:  
**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**  
предназначен для строительного-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительстве многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность — 8 т
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

**АВТОКРАНЫ:**  
КК-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ  
максимальная грузоподъемность — 14 т  
максимальная высота подъема — 14,5 м  
КК-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ  
максимальная грузоподъемность — 16 т  
максимальная высота подъема — 22 м  
КК-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ  
максимальная грузоподъемность — 25 т  
максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА  
Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

**Зардўз Бахшулла Жумаев ўз ҳаётидаги қувончли дамларни мароқ билан ёдга олади. "Совга" зардўзлик марказини ташкил этгани, 1994 йилда "Усталар иш устида" 1-халқаро фестивалида қатнашиб, биринчи даражали диплом билан тақдирлангани, 2003 йилда**

**у раҳбарлик қилаётган марказ "Сифат Олтин Юлдузи" халқаро танлови ғолиби бўлгани — буларнинг барчаси эсласа арзиғулик воқеалар. Айниқса, "Ташаббус — 97" республика кўрик-танлови унинг ҳаётида ўчмас из қолдирган.**

Дейлик, Алишер Навоий портрети дубогага тушириш учун Бахшулла ака тўрт ой вақт сарфлаган. — Сайёҳлар марказимизга атайин келиб, асарларимизни соатлаб томоша қилишади, ҳайратланишади, дастгоҳимизни синчиклаб кузатишади, — дейди

ривожлантиришга биздагидек юксак эътибор қаратилмас экан. "Совга" зардўзлик маркази шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган. Бу ердан сайёҳлар қадами узилмайди. Зардўз билан сўхбатлашар эканмиз, миқозлар билан инглиз тилида гаплашиб турган йигитча эътиборимизни тортиди. "Уғлим Бобиржон бўлади, — дея таништирди уста. — У — мини-аторчаи рессом. Нодиржон ўғлими эса заргар. Қизим Дилнозахон дизайнер рессом, турмуш ўртоғим Муқаддасхон ҳам зардўз. Марказда оилавий ишлаймиз. Шогирдларимиз ҳам бор, албатта. Ҳисоблаб чиқсам, 1995 йилдан буён 500 нафардан зиёд шогирд тайёрлабмиз. Улар орасида хорижийликлар ҳам бор. Халқаро кўргазмаларда учрашиб қолсак, хурматимни жойига қўйишади. Ана шундай чоғларда Ўзбекистон деган жаннатманд юрт фарзанди эканимдан фахрли бўлиб кетаман. Хозир дунёнинг унлаб давлатларидаги музейларда, шахсий коллекцияларда марказимизда тайёрланган зардўзлик буюмлари сақланади. Улар юзлаб, минглаб кишиларга серқуёш диёри-мизичи эслатиб турибди".

**Жамият тараққийида малакали кадр, юксак заковатли мутахассисларнинг ўрни беқисс. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёш ва баркамол авлодни муносиб тарбиялаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди.**

## ЖАҲОН ТАН БЕРМОҚДА

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумийлиги дастурига кўра, тизимда туб буришлар рўй берди, энг чека кишлоқларда ҳам замонавий мактаблар кад рост-ляпти.

халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани ҳам айтиб ўтмоқ жоиз. Бу бежиз эмас, албатта. Маса-лан, мамлакатимизда умум-халқ байрами сифатида нишонланган Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини унчамунча мамлакатда кузати-майди. Биз эртанги кун оғалари деб фарзандларига суянадиган халқимиз. Шунинг учун ҳам уларнинг тарбиясига болалиқдан оқ масъулият билан қараш мамлакатимизда устувор вазифага айланиб улгурди. Эзгуликни кўзда тутган бундай ислохотлар, омма-лашган таъбирлар, албатта, ўз самарасини кўрсатиши, шубҳасиз.

### Дил сўзи

Таълим тизимида олам-шумул аҳамиятга эга бўлган мазкур ҳужжатларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши, унинг туб мазмун-моҳиятини англаб, эл-юртнинг қувонаётгани бежиз эмас. Зеро, ҳар бир юртнинг бугуни ва келажиги том маънода мамлакат таълим тизимининг қай даражада ривож топгани билан белгиланади.

Гап мактаб таълимини ривожлантириш ҳақида кетар экан, бу сиёсатнинг

**Анорахон МАХМУДОВА,**  
**Ўзбекистон Қаҳрамони,**  
**Гурали туманидаги**  
**5-мактаб директори.**

# ЗАРДЎЗЛИК МЎЪЖИЗАСИ

зардўзлар ишини синчковлик билан кузатар, у ёки бу ҳунарманднинг ишида жиндек нуқсонни кўрсата, уни тузатиш пайида бўлар, таърибли усталардан касб сирларини ўрганишни канда қилмас эди.

— Биласизми, бирор бир зардўзлик асари яратилганда мен, албатта, қадимий обидаларни синчиклаб кузатаман, — дейди уста. — Улардаги бетақдор ус-лублар менга илҳом бағишлайди. Мана, Минораи Калонни олиб кўринг. Уни барпо этишда меъморлар йигирмага яқин ус-лубдан фойдаланишган. Бир-бирига ўхшайди, бири-биридан нозик ва нафис.

Сирасини айтганда, зардўз-

лик — жуда машаққатли касб. Халқ амалий санъатининг бу тури кишидан рессомлик ёки

### Хунармандчилик

нақошликни, гулбур, яъни гул кесиб берувчилик ва зардўзлик борасида юксак маҳоратни талаб қилади. Шу жиҳати билан у бошқа хунарлардан ажралиб туради. Зардўзликда юксак дид, сабр-тоқат, маҳорат талаб этилади. Кўз нури, қалб ҳарорати билан нақшлар орасидаги кўз илғамас оралиқни юракдан ҳис этиш орқали бетақдор зардўз-лик асари юзга келади. Бир асар устида ойлаб ишланади.

Бахшулла ака. — Ана шундай дамларда ўз касбимдан гурурланиб кетаман, чарқоқни унутаман. Бобом Ражаб оқсоқол ва бубим Саломат аянинг ишини давом эттиришимни, сулоланинг бешинчи вакили эканимни ўйлаб, кўнглимда шукроналик ҳиссини туяман. Шу хунар ор-тидан дунёнинг 23 та давлатида бўлдим. Нуфузли халқаро кўргазмаларда қатнашиб, шунга ишонч ҳосил қилдимки, ҳеч бир мамлакатда хунармандчиликни

Ха, эл-юрт довергани дунёга таратишдек бахт хар кимга ҳам насиб этавермайди. Игнадан кўч-жиза яратиб келаётган устага она-юрт меҳри, Ватан туйғуси куч-қувват бераётган бўлса, не ажаб.

**Истам ИБРОХИМОВ,**  
**«Халқ сўзи» муҳбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Спорт



**Мисрда бўлиб ўтаётган футбол бўйича ёшлар ўртасидаги XVII жаҳон чемпионатининг биринчи тур ўйинлари якунланди.**

## БАҲСЛАР МУРОСАМИЗ КЕЧМОҚДА

Ушбу турда вакилларимиз Гана ёшлар терма жамоасига қарши баҳс олиб боришди. Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган учрашувда гарчи ҳисобни ҳамюртларимиз очган бўлсалар-да, галаба Африка қитъаси вакилига насиб этди. Унингнинг 47-дақиқасида жамоа сардори Шерзодбек Каримов киритган голга рақибларимиз икки тўп билан жавоб қайтаришди. Ахмад Убайдуллаев шогирдлари жой олган "D" гуруҳидаги иккинчи ўйин эса Уругвай ҳамда Англия терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда уругвайлик футболчилар 1:0 ҳисобида муваффақиятга эришди.

Дастлабки турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Испания — Таити 8:0, Парагвай — Италия 0:0, Нигерия — Венесуэла 0:1, АКШ — Германия 0:3, Камеرون — Жанубий Корея 2:0, Гундурас — Венгрия 3:0, Бразилия — Коста Рика 5:0, Чехия — Австралия 2:1, БАА — ЖАР 2:2. Кеча Италия — Тринидад ва Тобаго, Миср — Парагвай, Нигерия — Испания, Таити — Венесуэла терма жамоалари ўртасидаги учрашув билан иккинчи турга старт берилди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бугун Уругвай вакилларига қарши баҳс олиб боришди. Уйин Тошкент вақти билан 21.45 да бошланади.

## МАЙДОНДА ДИПЛОМАТЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик ваколатхоналарга хизмат кўрсатиш бошқармаси томонидан мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ўртасида турли тадбирларни ўтказиш яхши анъанасига айланган.**

26-27 сентябрь кунлари пойтахтимиздаги "Чигатой" терма жамоалар тайёрлаш маркази стадионида ташкил этилган мини-футбол мусобақаси ҳам шулар жумласидандир. Турнирнинг очи-лиш маросимида мамлакатимизда Юртбошимиз бошчилигида халқлар ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлашга алоҳи-да эътибор қаратилаётгани, ушбу турнир бунинг яна бир тасдиғи экани таъкидланди.



Айтиш жоизки, ўн биринчи бор ушғириётган мазкур тадбирда Озарбойжон, Туркия, Буюк Брита-

ния ва Шимолий Ирландия, АКШ, Латвия, Чехия, Германия, Италия, Франция, Болгария, Руминия, Нидер-

ландия, Россия, Япония, Корея Республикаси, Қозоғистон, Эрон каби йигирмадан зиёд давлатларнинг

Ўзбекистондаги элчи-хоналари ҳамда қатор халқаро ташкилотлар ва компаниялар вакиллари ўзаро беллашишди.

**Ҳасан ПАЙДОВ**  
олган сурат.

**Даниянинг Хернинг шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Дилшод Арипов совриндорлар сафидан жой олди.**

## Дилшод — кумуш медаль соҳиби

Юнон-рум кураши баҳсларида 60 килограмм вазн тоифасида ўз имкониятини синаб кўрган Дилшод финалгача бўлган беллашувларда Эдуардо Барсежина (Польша), Дмитрий Аленски (Беларусь), Сонер Суку (Туркия) ва Виталий Раҳимов (Озарбойжон) каби номдор спортчиларни мағ-

лубиятга учратди. Якунда эса у Пекин Олимпиадаси чемпиони, россиялик Исломбек Албиевга юзтақиб қўйди.

Умуман, 75 мамлакат вакиллар иштирок этган ушбу жаҳон чемпионати ҳамюртларимиз учун омадди келди. Улар битта олтин, битта кумуш ва битта бронза медалларига эғалик қилишди.

## Ҳамюртимиз халқаро турнир ғолиби

**Латвиянинг Рига шаҳрида дзюдо бўйича "Golden score" халқаро турнири бўлиб ўтди.**

Тўртинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақада ўртимиз шарафини ҳимоя қилган Мирали Шарипов бош совринни қўлга киритди. 66 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан совринчимиз финалда мезбонлар вакили Денис Козловни мағлубиятга учратди. Эътиборли жиҳати, латвиялик спортчи ҳамюртимизга бор-йўғи тўққиз сония қаршилик кўрсата олди, холос.

## Гиёҳвандлик: ИЛЛАТ ВА ҚОРА НИЯТ

**Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг зарарини ҳаммамиз яхши биламиз. Унинг оқибатида киши соғлигини йўқотиб, гиёҳванд моддаларсиз туролмайди. Жаҳли тез чиқиб, ўзини тугулмайдиган аҳволга келади.**

Буни қарангки, оғу нафақат истеъмол қилганлар, балки унга яқин турганларга ҳам ўз таъсирини кўрсата оларкан. Андижон вилоятининг Жалолқудуқ туманида турилган, айни пайтда Жиззах шаҳрининг Улугбек маҳалласида яшовчи Носиржон Ҳакимов меҳмонхона йўлакчасидан "топиб олган" кўп миқдордаги гиёҳванд воситасини ҳафта давомида киссасида олиб юрди. Ноконуний молнинг юки оғирлик қилдики, асабийлашиб, Жиззах темир йўл бекатининг кутиш залида турмуш ўртоғи билан арзи-маган нарсасида устида жан-жаллашиб қолди. Табиий-

ки, бу ҳол шу ерда юрган ИИБ ходимлари эътиборини тортиди. Носиржон шах-сини тасдиқлайдиган ҳуж-жа т л а р и н и кўрсата олма-гач, уни нават-чилик қисмига тақлиф этишди. Киссаси-дан чиққан қора рангли по-лиэтилен пакетга ўралган ўткир хидли модда унинг асабийлашгани сабабини фош қилди. 14,84 грамм героин унга нисбатан 10 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиши-га асос бўлди.

— Жамиятимиздаги энг жирканч иллатлардан ҳисобланган гиёҳвандлик билан бир киши судланса ҳам — бу кўпдир, — дейди жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг раиси Қаҳрамон Холмуродов. — Суд жараёнларида ўнлаб оилаларнинг бузилиб кетишига, нораси-да, бегуноҳ гўдақларнинг ноғирон туғилишига, қанча-дан-қанча инсонлар соғлиқ-ларини йўқотишига айнан гиёҳ-ванд моддаларни сотиш, истеъ-мол қилиш сабаб бўлаётганнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

"Биринчи касри — минг-га" деганларидек, Дўст-маҳмат Эралиев героин сотиб, бир қанча инсоннинг умрини захарлади. Узининг 2 нафар фарзанди эса 12 йил отасиз қолади-ган бўлди. Самарқанддан Тошкентга 83,77 грамм героин олиб кетаётган Дўстмаҳмат Жиззах шаҳри

### Огоҳлик

шоҳбекатида қўлга олинди. Шу ўринда юқорида баён этилган ҳолатда суд жараёнида судланувчиларга яшаш жойларидан ижобий таъсиномалар берил-ганлиги кишини мулоҳаза-га ундайди. Ҳеч қарда ишламайдиган Д. Эралиев, Н. Ҳакимов қабиларнинг қандай хислатлари борки, бу маҳалла ва кишлоқлар фуқаролар йигини раҳбар-ларини лол қолдирган бўлса... Уларни кўкка кўтариб, тавассифомалар битилишини тасаввурга сийдириш қийин.

Бунинг ўрнига ўзини ўзи бошқариш идоралари хо-димлари ҳар бир хонадон билан яқин алоқада бўлиб, оилаларнинг ҳол-аҳволи-дан, иссиқ-совуғидан ха-бар олиб туришганида, фу-қароларнинг яширинча хатти-ҳаракатлари улар-нинг эътиборини тортган бўларди. Ана ўшанда жи-ноятнинг олди олинарди.

**Баҳридин САТТОРОВ,**  
**«Халқ сўзи» муҳбири.**

## ТРАНСАЭРО ЯНГИЛИГИ

**ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН МОСКВА ОРҚАЛИ ҚҲЙИДАГИ ШАҲАРЛАРГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ТАРИФЛАР:**

**САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, СОЧИ, АНАПА, КРАСНОДАР, ХАБАРОВСК, ЮЖНО-САХАЛИНСК, ВЛАДИВОСТОК, ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ**

## ТОШКЕНТ — МОСКВА

Янги «Бонинг-737-800 Next Generation» самолётида

**ТАЛАБАЛАРГА МАҲСУС ТАКЛИФ:**  
**ГЕРМАНИЯ, БУЮК БРИТАНИЯ, КИПРГА ЁШААР УЧУН ЙИЛЛИК ТАРИФ**

\* Тўлиқ маълумотларни авиачипта сотувчи агентлардан олиш мумкин.

**Тел.: 227-00-78, 227-01-87, 227-09-19.**

Аккредитация сертификати № 210.

**www.transaero.ru**

## ОБ-ҲАВО (29 сентябрь)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузатилмайди. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қузатилмайди. Кечаси 13-18, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёгингарчилик қузатилмайди. Тунда 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 13-15, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**  
**ЭЪЛОНЛАР**  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
233-10-80  
236-09-25  
232-10-83  
242-жона

Тошкент молия институти ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Газначилик иши кафедраси катта ўқитувчиси Барно Нурмухамедова волидаи муҳтарамаси **САНОАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Информацион технологиялар кафедрасининг катта ўқитувчиси Гулнора Ходжаевага турмуш ўртоғи **Баҳодир ХОДЖАЕВнинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 36192 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятта келган қўёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реслама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

☎ -Тижорат материал

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.20 Тошхирилди — 21.40 12 45